

КИМЁ СОҲАСИДА МАГИСТРАТУРА ВА PhD УЧУН ТЎЛИҚ ГРАНТЛАР

// 17.03.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kimyo-sohasida-magistratura-va-phd-uchun-tuliq-grantlar>



Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (KOICA) ва "Ўзкимёсаноат" АЖ магистратура (1 та ўрин) ва докторантура (PhD, 3 та ўрин) йўналишларида барча харажатлар қопланган ҳолда Жанубий Кореянинг етакчи университетида таҳсил олиш учун танлов эълон қилади!

- Барча харажатлар қопланади (шартнома, турар жой, авиачипта ва стипендия)
- Энг илғор илмий лабораторияларда тадқиқот олиб бориш имконияти
- Халқаро даражадаги илмий тажриба ва инновацион билимлар
- Ташкилот томонидан кафолатланган иш ўрни

Ўқишни муваффақиятли тамомлаган иштирокчилар янги ташкил этилаётган Корея-Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти – Кимё технология инновация марказида фаолиятларини давом эттириш имкониятига эга бўладилар!

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2025-йил 16-апрелдан 7-майга қадар

Қўшимча маълумот олиш ва ҳужжат топшириш учун:

Телефон: (+998) 90 003-55-22

E-mail: empark@kriict.re.kr u.tillabaeva@uks.uz

Бу - келажагингиз учун ноёб имконият!